ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

18 (620)

2008 йил 30 апрель

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Танқид таҳлил этилди, аммо...
- Мулкий зиён қопланди, маънавий зарар-чи?

3
- «Қўлбола»нинг балоси чикди-ку!
- Энг катта китоб Тулузада, энг кичиги Ботумида

4
- Рағбат меҳнатга яраша бўлади
- Турватлик тақачининг тақдири...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерациясининг Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Республика теннис мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш;

зарур ҳолларда хориждан мураббий-мутахассисларни таклиф этиб, ўқув-машғулот жараёнларини теннис соҳасидаги энг янги ўқув-методик тавсияномалар асосида ташкил этиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, теннисчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоалари тайёргарлиги даражасини замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ошириш;

теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт мажмуасини белгиланган тартибда Республика теннис мактаби балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бутун мажмуани 2008-2009 ўқув йили бошида ишга туширишни назарда тутган ҳолда Республика теннис мактаби ўқувчиларининг яшаши ва овқатланишига, ўқув-машғулот жараёнлари учун мўлжалланган бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга оид зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин;

2008 йилнинг 1 августигача Республика теннис мактабининг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ якунланишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт аломатларига ва юқори даражали теннисчиларни тайёрлаш учун тегишли салоҳиятга эга бўлган иқтидорли йигит ва қизлар орасидан қабул қилинади;

Республика теннис мактаби ўқувчилари юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш махсус дастури бўйича, теннисчиларни тайёрлаш кенг халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқитилади;

Давоми 2-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини қайд этиш зарур.

Шу билан бирга, лойиҳалаш ишларини ташкил этиш борасидаги жиддий камчиликлар амалга оширилаётган инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб бермайди. Лойиҳалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўпинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари амалиётига лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар суст жорий этилмоқда.

Ёш ва истиқболли лойиҳачи кадрларни кўпайтиришга етарли эътибор қаратилмаётгани, республикамизнинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида аксарият лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси пастлигича қолмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий-техника базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, шу асосда ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини жиддий ошириш мақсадида:

1. Низом жамғармасида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар қайд этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг, жумладан, қурилишнинг илғор ва янги турдаги қурилиш материалларини қўллашни кўзда тутадиган замонавий технологияларини жорий этиш;

Давоми 2-саҳифада

«Mahalla» хабарлари

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Пойтахтимизда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг энергия ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада ривожлантиришга бағишланган тармоқ саноат ярмаркаси очилди.

"Ўзбекэнерго" ДАК раиси Ботир Тешабоевнинг сўзларига кўра, Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган ушбу ярмаркада компания корхоналаридан ташқари бошқа идора ва тадбиркорлик субъектларининг 30 дан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда. Улар "Ўзбекэнерго" ДАКнинг энергетика тармоғида маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича бўлажак шериклари ҳисобланади.

Ярмаркада электр техника маҳсулотлари, ҳароратни ўлчаш рақамли приборлари, ўқитиш, билимлар ва машқларни назорат қилишнинг компьютер тизимлари, электр энергияси ҳисоблагичлари, барча турдаги кабель маҳсулотлари ҳамда махсус кийимларни кўриш мумкин.

Хусусан, "Ўзэлектраппарат-Электршчит" қўшма корхонаси электр станцияларини бошқариш шчитлари, паст вольтли мосламалар ва аппаратура, электр монтаж буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотларни намойиш этмоқда. "Электроизолит" қўшма корхонаси асосий ва ёрдамчи энергетика ускуналарини таъмирлаш, шунингдек, Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича иссиқликни сақлагич материаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Ярмаркада қиймати 15-20 миллиард сўмлик шартномалар тузиш кутилмоқда.

Ю.ГУСЕВА,
ЎзА мухбири.

Андижон вилояти

МУҲОКАМАДА – ИЖРО ИНТИЗОМИ

Шаҳрихон туманида ҳудуддаги мавжуд фуқаролар йиғинларининг котиблари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқа органларида ижро назоратини ташкил қилиш ва иш юритиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Мухторжон Отабоев, вилоят ҳокимлигининг вакили Анваржон Мўминов, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг масъул котиби Исоқжон Исмоилов ва бошқалар сўзга чиқиб, йиғилиш ҳудудида бўлиб ўтаётган Шаҳрихон қишлоқ фуқаролар йиғинида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича эришилган ютуқлар ҳақида гапирдилар.

— Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида маънавият хоналарини ташкил этганмиз, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Мухторжон Отабоев. — Ушбу маънавият хоналаридаги ишлар йиғин раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси, ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси ва шифокорлар гуруҳи томонидан юритилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бу галги "Баркамол авлод — 2008" спорт мусобақалари Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилади. Мазкур йирик тадбирга Нукус, Тахиатош шаҳарлари ва Хўжайли тумани мезбонлик қилади.

Мусобақа мезбонлари беллашувга ҳозир

Ёшларнинг ушбу спорт байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан уч минг нафарга яқин йигит-қизлар иштирок этиши кутилмоқда. Улар спортнинг енгил атлетика, сузиш, узунликка сакраш, стол тенниси каби 12 тури бўйича ўзаро беллашадилар.

Мазкур йирик тадбирни юқори савияда ташкил этиш мақсадида спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган майдонлар, турар-жой бинолари тахт қилиб қўйилган. Ҳудуддаги ўрта-махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар ташаббуси билан мусобақа бўлиб ўтадиган Нукус, Тахиатош шаҳарлари ва Хўжайли туманидаги спорт майдонлари, истироҳат боғлари, кўчаю хиёбонлар атрофлари ободонлаштирилди. Шу мақсадда ўтказилган ҳашар тадбирларида қорақалпоғистонлик ёшлар фаол иштирок этдилар.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

ЮКСАК БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ КЎРИГИ

Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бошланди

Президентимиз Ислом Каримовнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида мамлакатимиз ёшларини тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг бутун мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни, пухта билим ва етук малакага, ўз мустақил фикрига эга кадрларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Навқирон авлодни ўз иқтидор ва истеъдодини намойиш этиши, муттасил юксалтириб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бу борадаги ишларнинг ажралмас қисмидир. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган таълим ва тарбияга оид "ўзбек модели"нинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилди. Мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадасининг Тошкентда ўтказилиши бунинг яна бир далилидир.

Москва давлат университети ректори, академик В.Садовничийнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифи давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

Олимпиада М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида очилди. Унда Озарбойжон, Арманистон, Белорусь, Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина ва Эстония жамоалари, Олимпиада ташкилий қўмитаси, Халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли узлуксиз таълим тизими мунтазам янгиланаётгани ва такомиллашаётгани, таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада



Mahalla

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Юртимиз спортчилари довруғи

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида бокс бўйича ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоасининг олти нафар аъзоси совринли ўринларни эгаллади.

Унда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Жазоир, Англия, Венгрия, Латвия, Литва, Россия, Швейцария, Шотландия, Шри-Ланка ва Эстониядан келган олимпия лицензияларига эга етмиш нафарга яқин чарм қўлқоп устаси рингга чиқди.

Шароф Худойбердиев ва Олим Муҳаммедов устозлик қилаётган боксчиларимиздан қўқонлик Рафиқ Султонов, наманганлик Тўлашбой Дониёров ва фарғоналик Дилшод Маҳмудов бош совринни қўлга киритди.

2004 йили Афинадаги Олимпиада ўйинлари совриндори, Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Баҳодир Султонов кумуш медаль билан тақдирланди. Бухоролик жаҳон чемпиони Аббос Атоев, жиззахлик моҳир боксчи Хуршид Тожибоев эса бронза медаль билан кифояланди.

Халқаро турнирда учта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Танқид қилинган қўшиқни яна радиода беришаётганмиш...

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Республика теннис мактаби ўқувчиларнинг бадаллари, ҳомийлар ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Республика олимпия захиралари теннис мактабининг Васийлик кенгаши иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг биргаликдаги тақдимномаси бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига янгитдан ташкил этилаётган Республика теннис мактаби бинолари ва иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларни жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмларини қайта тақсимлаш йўли билан қўшимча капитал қўйилмалар ажратилишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2008 йилда ўқувчиларни овқат, спорт буюмлари, форма, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Республика теннис мактаби таъминоти учун маблағларни излаб топсин, 2009 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Васийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Теннис федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда:

Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўғрисида Низом, унинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони;

ўқувчиларни Республика теннис мактабига танлов асосида саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби;

Республика теннис мактаби ўқувчиларини яшаш, овқатланиш, спорт буюмлари ва формаси билан таъминлаш нормативлари;

Республика теннис мактабини 2008-2009 ўқув йили бошланишигача зарур ўқув, машғулот ва маиший асбоб-ускуналар, ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун замонавий компьютер техникаси ва ахборот-ресурс маркази билан жиҳозлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Республика теннис мактаби 2013 йилнинг 1 январигача:

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган олиб келинадиган спорт анжомлари, асбоб-ускуналар ва материалларга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

бўшайдиган маблағларни Республика теннис мактабининг устав вазифаларини бажаришга мақсадли йўналтирган холда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилсин.

Белгилансинки, юридик ва жисмоний шахслар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил муддатга Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтирилади.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш;

илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи олий ўқув юртларини жалб этган ҳолда, юқори технологик услублар ва ускуналарни халқаро стандартлар даражасида қўллашни кўзда тутадиган лойиҳалаштириш жараёнларига замонавий меъёрлар ва стандартларни татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташида, ўқитувчиларининг тажриба орттиришида, уларга автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологиялари бўйича материаллар ҳамда услубларни тақдим этиш борасида кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикасида Лойиҳалаш ишларини такомиллаштиришга оид комплекс тадбирлар 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳалаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари буюртмачиси бўлиш, бу мазкур ишларни қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига киритишни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратишни ҳам ўз ичига олади.

4. 2008 йилнинг 1 майидан етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари асосий фаолият тури бўйича 3 йил муддатга фойда ва мулк солиғини тўлашдан, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендларни беришдан озод этилсин, бўшаган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мутахассислар малакасини оширишга мақсадли йўналтирилсин.

Белгилансинки, солиқ солишдан бўшаган маблағлар, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендлар 1-иловага мувофиқ белгиланган тартибда етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари низом жамғармаларига давлатнинг қўшган ҳиссаси сифатида капиталлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2008 йил 1 июлгача:

Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти раҳбарлари ҳамда ихтисослашган кафедралари мудирларини аттестациядан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда юқорида номлари қайд этилган олий ўқув юртлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртларида ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқсин, бунда саноат, инфратузилма ва фуқаролик объектларини лойиҳалаштириш соҳасида лойиҳалаш ишини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ҳамда йўналишларига мувофиқ тарзда замонавий фикрлайдиган, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 апрель

Халқаро семинар-тренинг

Темурийлар даври ёдгорликларини асраш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг иштирокчилари Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб, қадимий меъморчилик дурдоналари, халқ бадиий ҳунармандчилигига оид осори-атиқалар билан танишдилар ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларга юксак баҳо бердилар.

МЕЪМОРЧИЛИКнинг БЕБАҲО ДУРДОНАлари

Ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад, юртимиздаги тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш, тарихий обидаларни консервация қилиш, таъмирлашга оид миントақавий ҳамкорлик режалари ва дастурини ишлаб чиқиш, меъморий обидаларнинг сейсмологик хусусиятларини ўрганиш, туризм инфраструктурасини ривожлантиришга оид ишларни таҳлил этиш, бу соҳада ўқув қўлланмаларни тайёрлашга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Темурийлар даври ёдгорликлари бугунги кунда у ёки бу мамлакатнинг мулки бўлибгина қолмай, жаҳон бойлигига айланган. Шу боис, ўша даврга оид ноёб ёдгорликларнинг катта қисми нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси маркази рўйхатига киритилган. Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида жойлашган кўплаб тарихий, хусусан, темурийлар даврида бунёд этилган обидалар меъморчилик услуби жиҳатидан бир-бирига ўхшаш. Шу сабабли бу обидаларни асраш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш, ҳамкорлик қилиш яхши натижалар бериши шубҳасиз. Айниқса, бу борада Ўзбекистонда катта тажриба тўпланган.

Семинар қатнашчилари даставвал Оқсаройда амалга оширилган таъмирлаш ишлари билан танишдилар. Малик Аштар жомеъ масжиди, Дорут-тиловат ва Дорус-саодат ансамбларида бўлдилар. Шаҳрисабзлик ҳунармандлар, хусусан, каштадўзларнинг кўзни қувонтирувчи ишлари билан танишдилар. Ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш борасида амалга оширилаётган ишлар олимлар ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Семинар иштирокчилари меъморчилик ва шаҳарсозлик мутахассислари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда ёшлар билан учрашиб, улар билан мулоқотда бўлдилар.

— Худди шундай халқаро семинарни келгуси йилда Ҳиндистонда ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси маркази маслаҳатчиси Айнура Тентиева хоним. — Ушбу тадбир бобурийлар даври меъморчилик обидаларини асраш ва улардан фойдаланишга бағишланади.

* * *

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур семинар-тренинг иштирокчилари қадимий Бухоро шаҳрига ҳам ташриф буюрди. Улар бу ерда темурийлар даврига оид Баёнқулихон, Сайфиддин Бохарзий мақбаралари, Мирзо Улуғбек мадрасаси ва бошқа обидаларни кўзда кечиришди.

Шунингдек, меҳмонлар Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Ситораи Моҳи Хоса музейи, Чорбакр, Исмоил Сомоний мақбараларини ҳам зиёрат қилишди.

МУХБИРИМИЗ

ЮКСАК БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ КЎРИГИ

Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бошланди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг Ўзбекистонда ўтаётганлиги мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолоти, таълим-тарбияси йўлидаги ғамхўрлигининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи, юртимизга бўлган юксак ишончдан далолат эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Олимпиада ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Москва давлат университети кимё факультети декани, академик В.Лунин, Олимпиада Халқаро ҳайъати раиси, Москва давлат университети профессори В.Ненайденко Ўзбекистонда ёш авлод таълим-тарбиясига берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим муассасаларида яратилган шароитлар таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

Мамлакатда жорий этилган 12 йиллик бепул мажбурий таълим, аввало, касб-ҳунарга йўналтирилганлиги ва ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Олимпиаданинг Тошкентда ўтказилаётгани таълим соҳасини ислоҳ этиш борасида Ўзбекистонда тўпланган ибратли тажрибани бошқаларга ҳам таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Россиянинг таълим бўйича федерал агентлиги вакилларининг Олимпиадани бевосита кузатаётгани келгусида икки давлат ўртасида кимё фани ва таълимининг истиқболи йўлида янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Мазкур Олимпиадада МДҲ мамлакатларидан ташқари, Болтиқбўйи давлатлари, Болгария, Руминия ва Македониядан ҳам ўқувчилар иштирок этади. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу Олимпиадада 1997 йилдан буён мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўтган даврда вакилларимиз 7 медални қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 январда қабул қилинган кимё фанидан мактаб ўқувчиларининг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказишга оид қарорига кўра халқаро беллашувни юксак савияда ташкил этиш учун зарур чоралар кўрилди. Олимпиада 2 хил — назарий ва экспериментал йўналишларда ўтказилади. Тадбир ўтказиладиган жой — Москва давлат университетининг Тошкент филиалида Олимпиада тарихида илк бор барча иштирокчиларнинг бир вақтда, бир бинода экспериментал тур бўйича масалаларни бажариши учун шароит яратилди. Ҳар бир ўқувчи учун мўлжалланган жой зарур кимёвий асбоб-ускуналар ва реактивлар билан жиҳозланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқувчиларга бериладиган савол ва топшириқлар устида бир йил давомида иш олиб борилди. Кимёнинг — органик, ноорганик, аналитик, физика кимёси ва бошқа бўлимлари бўйича тузилган саволлар, топшириқлар мураккаблиги жиҳатидан «Жаҳон кимё олимпиадаси» саволларидан устун туради.

Олимпиада ғолиблари Москва давлат университети ва бошқа нуфузли олий таълим даргоҳларига имтиҳонсиз кириш имкониятига эга бўлади.

Беллашувда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоа юртимиз умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилган саралаш мусобақалари натижалари асосида шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро олимпиаданинг Ўзбекистонда ўтказилиши унда иштирок этадиган мамлакатлар вакилларини юртимиз таълим соҳасида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан яқиндан таништириш, истеъдодли ўқувчи-ёшларимизнинг имкониятларини кенг намойиш этишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу анжуман ўқувчилар учун нафақат билим ва заковат кўриги, балки дўстлик, ҳамжиҳатлик, ёшлик байрамига ҳам айланади. Беллашув доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш, кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Шу куни Тошкентда мактаб кимё таълимининг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олимпиаданинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ВЕНЕСУЭЛА:

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Венесуэлада самолёт уч қаватли уй устига қулаб тушиб, портлади. Бунинг оқибатида мазкур уйда яшовчи тўрт нафар киши ҳаётдан кўз юмди, яна саккиз нафари жароҳатланди.

Ушбу бахтсиз ҳодиса Каракас шаҳрининг чекка қисми, халқаро аэропорт яқинида рўй берди. Аниқланишича, ҳалокатга учраган икки моторли ва олти ўринли бу самолёт мамлакат пойтахтидан Кариб ороли томон учаётган экан.

Самолёт ҳавога кўтарилиши билан учоқнинг двигателларидан бирида носозлик юз беради. Оқибатда самолёт бошқарувчиси ортга қайтиб, тезкор равишда ерга қўнмоқчи бўлади. Бироқ у учиш йўлакчасига етиб бора олмаган, дея хабар беради НТВ телеканали.

АҚШ:

ВИРЖИНИЯЛИКЛАР ТОРНАДОДАН ТАЛОФАТ КЎРДИ

Виржиния штатида кетма-кет рўй берган учта торнадо 200 нафарга яқин фуқарога талофат келтирди, дея хабар тарқатди АР ахборот агентлиги.

Ўтган куни кундузи штат ҳудудида учта кучли қуюн кўтарилган. Метеорологларнинг маълумотларига кўра, улардан бирининг тезлиги соатига 138 дан 177 километргача етган.

Айни пайтга қадар маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан торнадо оқибатида жароҳатланган кишилар сони тўлиқ аниқланган, бироқ етказилган моддий зарарнинг миқдори ҳали маълум эмас.

АФҒОНИСТОН:

КАРЗАЙ СУИҚАСДДАН ХАБАРДОР ЭДИ

Афғонистон разведка хизмати бошлиғи Амрулло Солиҳ 27 апрель куни Қобулда бўлиб ўтган ҳарбий парад чоғида мамлакат президенти Ҳамид Карзайга нисбатан уюштирилган суиқасд ҳақида уни олдиндан огоҳлантирган, дея хабар беради Associated Press ахборот агентлиги.

Карзайга суиқасд уюштирилаётгани март ойидаёқ маълум бўлган. Солиҳнинг таъкидлашича, Карзай ва бошқа мартабали меҳмонлар жой олган минбардан 450 метр узоқликда жойлашган меҳмонхонадан президентга қарата ўқ узган толибонлар 45 кун олдин ушбу меҳмонхонадаги хоналардан бирини банд этиб қўйишган.

Шунингдек, Амрулло Солиҳнинг сўзларига кўра, толибонларнинг ҳарбий парад иштирокчилари ва томошабинларга ҳужум қилишига афғон махсус хизмати ходимларининг йўл қўйган хатоси сабаб бўлган.

Эслатиб ўтамиз, мазкур отишма чоғида уч нафар киши ҳалок бўлган, бир киши эса гаровга олинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.»

«Истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддаси.

Пойтахтимиз ёш сураткаш нигоҳида...

ҚЎШИҚ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ, АММО...

Мурожаат ва муносабат: ҚЎШИҚҚА ЎХШАМАГАН ҚЎШИҚ 2008 йил 18 апрель

Маълумки, газетамизнинг 2008 йил 18 апрель сонида «Қўшиққа ўхшамаган қўшиқ» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мақолада хонанда Улуғбек Раҳматуллаев ижросидаги қўшиқлардан бири ҳақида сўз юритилиб, қўшиқ матнининг бемаъни, ҳатто маънавиятимизга зид эканлиги танқид қилинганди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилишини сўраб, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси мутасаддиларига мурожаат қилди.

Ушбу мурожаатимизга «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бошқарма бошлиғи Қ.Орифжонов имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик: «Бунисига нима дейсиз?» рукни остида чоп этилган «Қўшиққа ўхшамаган қўшиқ» мақоласи 2008 йил 22 апрель куни «Пойтахт» меҳмонхонасида FM радиостанциялари вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Лицензиясиз фаолият кўрсатаётган хонанда Улуғбек Раҳматуллаевнинг мазмунан саёз қўшиғи «Аъло FM» радиоси эфири орқали узатилганлиги учун радиоканал раҳбари огоҳлантирилди.

Хонанда У.Раҳматуллаевдан тушунтириш хати олинди.

Нодавлат FM радиостанциялари раҳбарларига мазмунан саёз, лицензияси бўлмаган хонандаларнинг қўшиқларини эфир орқали узатилмаслиги тўғрисида таклифлар берилди».

Инсонлар, айниқса, ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу қўшиқ хусусидаги танқидий фикрлар таҳлил этилгани қувонарли, албатта. Аммо, афсуски, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, танқид остига олинган, гўёки кундошларни муросаю-мадорага чақирувчи худди шу қўшиқнинг «Аъло FM», «Гранд», «Замин FM» радиотўлқинлари орқали ҳамон «жаранг сочаётгани» ачинарли ҳолдир.

Бундан бир неча йил аввал хонандалар Равшан Комилов ва Шаҳнозабону биргаликда куйлаган худди шундай беҳаё қўшиқ ҳам газетамизда танқид остига олинган эди. Ўша қўшиқ матнида «Боболардан қолган удум бўйича тўрт хотинга рухсат бўлар, қирчиллама қирқ ёшимда қирқ жононга ишким етар...» мазмунидаги сўзлар бор эди.

Газетамизда чоп этилган танқидий мақоладан сўнг, маънавиятимизга, жамиятимиздаги тартиб-қоидаларга зид ушбу қўшиқ ижодкорларига нисбатан чора сифатида маълум муддатга уларнинг лицензияси олиб қўйилган эди. Бугунги кунга келиб, ўша қўшиқнинг айрим FM радиотўлқинлари орқали эшиттирилаётганини қандай тушунмоқ керак?!.

Демак, эфирга узатиладиган қўшиқларнинг савияси, сифати учун масъулият FM радиотўлқинлари мутасаддилари зиммасига қатъий юкланмас экан, бундай ҳолатларга чек қўйиш мушкул бўлади.

ТАҲРИРИЯТ

Йиғинда кимлар ишлайди?

Самарқанд вилояти

Беллашиб аҳиллашган ОДАМлар...

Туз-насиба эканми, пойтахтга илм излаб келиб, шу ерда қолиб кетдим...

Иш, рўзғордан ортиб бўлмайди, тез-тез бориб онамни кўролмайман. Шукрки, техника ривожланиб, «сотка» деганлари чиқиб қолди. Укам онамга ҳам биттасини олиб берибди. Уйга тез-тез боролмасам ҳам, дам-бадам қўнғироқ қиладиган бўлдим:

— Мажлисдаман... — шивирлаб телефон тугмасини босиб қўяди онам.

Баъзан гўшакни умуман қўтармайди. Ҳайрон бўламан: онамни бунчалар банд қиладиган нима иш экан-а? Телефон орқали қисқагина «дийдор» чоғи ҳам уни қойиб қўяман:

— Бунақада чарчаб қоласиз-ку, ая? Тинчгина ўтирсангиз-чи?

— Ундай дема, қизим! Бу ишдан ҳеч чарчамаяпман. Аксинча, кўпчиликнинг орасида одамнинг дард-ғуборлари кўтарилади, — дейди тетиклик билан онам.

Уч йил аввал онам пенсияга чиққанди. Бир умр ишлаб ўрганган одам уйда ўтиролмас экан. Пенсияга чиққач, орадан бир ой ўтмай, мактабга бориб, директорга кирибди:

— Болаларнинг «мен айтай, мен айтай», деб қўл кўтаришлари кўзим олдидан кетмаяпти. Ишга қайтсам майлими?

Онам пенсияга чиқиб ҳам ишлади. Сал ўтмай, онамни қишлоқ фуқаролар йиғинига ишга таклиф қилишибди. Шундан буён онам Булунғур туманида жойлашган Ўртабулоқ номли қишлоғимизнинг вақти ўта зиқ кишиларидан бирига айланган. У диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фуқаролар йиғини маслаҳатчиси вазифасини бажармоқда.

Яқинда уйга борганимда онам бир нечта видеотасмаларни кўрсатиб деди:

— Сен маҳалламизда бўлган танловлар, мусобақаларни бир томоша қилгин... Кўриб, қойил қоласан. Мана, бунда «Энг ибратли оила» кўрик-танлови тасвирга олинган... Бизнинг Ўртабулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида тўртта маҳалла бор: Боғбон, Мингтепа, Бешкўтон, Янгиобод. Шу тўрт маҳалладан энг ибратли оилаларни танлаб олиб, улар ўртасида мусобақа ўтказдик. Мана, кўргин...

Рости, видеотасвирдаги манзаралар мени телевизор қаршисига «михлаб» қўйди. Беллашаётган тўрт оила — тўртта катта стол атрофида жамулжам. Ҳар бир иштирокчи оилани маҳалладошлари қўллаб-қувватлаб турибди. Миллий урф-одатларимизни намойиш этган келинлар шу қадар берилиб алла, лапарлар айтишдики, истеъдодига тан берса арзийди.

— Бунақа мусобақаларни тез-тез ўтказасизларми? — сўрадим беихтиёр онамдан.

— Ҳа-да. «Ибратли келин», «Аёл ва спорт», «Энг обод маҳалла», «Маҳалламиз қизлари»... Яна санаб берайми? Ҳаммасини видеотасмага туширганмиз. Кўраверасан...

— Зерикмас экансизларда?..

— Гап зерикиш-зерикмасликда эмас, қизим. Бундай тадбирлар одамларни бир-бирига яқинлаштиради, жипслаштиради. Ўртабулоқликлар азалдан иноқ-аҳил одамлар, шундай мусобақалар ўтказилгани сайин аҳиллигимиз янада кучайгандек туюлади менга. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон ака Худойқулов ҳар ишда ташаббускор. Мана, Наврўз байрамини тўрт маҳалла аҳли жамулжам йиғилиб нишонладик. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қишлоғимиз қизлари ўртасида «Иқбол» қизлар кўрик-танловини ўтказдик.

— Қишлоқда иш кўп бўлса, сизнинг мусобақаларингизга одамлар вақт топаяптими? — Видеотасмани кўриб ўтирсамда, ишонқирамай сўрадим.

— Албатта, топишади. Юмушлардан вақт ортириб танловларга тайёрланишга ҳам улгуряпмиз. Хотин-қизларимиз биргалашиб рақс тушиш, қўшиқ куйлашда кийиш учун либослар тикишади. Шу баҳона қизлар бир-биридан тикувчилик, зардўзлик, каштачиликни ўрганяпти.

Яна онамдан шуларни билдимки, туманимизда 48 та маҳалла бор экан. Барча маҳалла раҳбарлари амалий-услубий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларга туман ҳокимлиги бош-қош бўлиб, маслаҳатчилар учун махсус ўқув-семинарлар ҳам тез-тез ўтказиб турилар экан.

Онамнинг бағридан бир дунё таассуротлар билан қайтдим. Қишлоғимизнинг маърифий-маданий жиҳатдан ривожига ҳисса қўшаётган онам билан, аҳиллиқда яшаб, меҳнат қилаётган қишлоқдошларим билан фахрландим...

Наргиза УСАНБОЕВА

Бандлик муаммоси ечими

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚОРАЎЗАКДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизнинг энг шимолида жойлашган Қораўзак туманида аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилянпти. Хусусан, туман ҳудудидаги Қораўзак овулида бу борада қўлга киритилган натижалар диққатга сазовордир.

— Овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермерлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади, — дейди йиғин котиби Ҳалилла Фейматуллаев. — Бу йил фермерлар 350 гектар ерга чигит экишди, 800 гектар майдонга экилган кузги буғдой парвариш қилиняпти. Бундан ташқари, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Жорий Ёшлар йилида овулимиздаги 13-мактаб қошида ошхона, қандолат маҳсулотларини тайёрловчи кичик корхона иш бошлади. Шунингдек, 8 нафар кишини банд этган тегирмон, 3 та шоли оқлашга ва битта ёғ ишлаб чиқаришга мўлжалланган мойжувоз фаолияти йўлга қўйилди. Натижада қисқа фурсатда 68 нафар киши иш билан таъминланди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Жиззах вилояти

КОРХОНАГА — КЎМАК, КАСАНАЧИГА — ДАРОМАД

Вилоятда Президентимизнинг «Аҳоли бандлигини ошириш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида аниқ ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина ўтган йили вилоятда касаначилик асосида беш мингта иш ўринлари яратилиб, бир миллиард сўмдан ортиқ миқдорда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Эътиборли томони, 2007 йилда касаначилик йўли билан тайёрланган маҳсулотлар 2006 йилдагига нисбатан беш бараварга кўпайди. Жиззах шаҳри ва туманларда ушбу йўналишга мослаштирилган 100 дан зиёд корхонанинг ташкил этилиши кўплаб янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлди. Аҳолини ва айниқса хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш баробарида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини топмоқда.

Масалан, Дўстлик туманидаги «Эл-Эрк-Нур» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси, «Жиззахёғ Экстракт», «Олға» масъулияти чекланган жамиятлари, Мирзачўл туманидаги «Иқболжон-Маржона» хусусий фирмаси, Даштобод, Пахтакор туманларидаги А.Икромов номидаги, Учтепа пахта тозалаш корхоналари ҳамда «Жиззахдон» акциядорлик жамияти тасарруфидаги дон маҳсулотлари корхоналари билан шартнома тузган касаначилар корхоналар ишчи-ходимларига турли хилдаги иш кийимларини етказиб бермоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан маълум қилинишича, Ёшлар йилида ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Йил охиригача 6100 та янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик янада ривож топади. Қарийб 1,7 миллиард сўмлик харидоргир маҳсулотлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказилиши кўзда тутилган.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Олам турфа

Соатнинг секунд стрелкасини бундан 350 йил илгари англиялик Жон Флоуор инсон юрагининг уришини текшириш мақсадида кашф этган.

* * *

Дунёдаги энг узоқ умр кўрган киши англиялик Томас Кари ҳисобланади. У 1588 йилда туғилиб, 1795 йилда, яъни 207 ёшида вафот этган.

* * *

Француз ихтирочиси Дюра ажойиб бир тугма ясади. Шуниси ажабланарлики, об-ҳаво ўзгариши билан тугманинг ранги ҳам ўзгариб туради. Ҳаво очиқ бўлганда тугма кўк рангда, ёмғир ёғиши олдидан эса қизил рангда товланади.

* * *

Австралиялик профессор Клифтон Макдональд Янги Гвинея қирғоқлари яқинида қизиқарли тажриба ўтказди. У денгизга кучли репродукторлар тушириб, наҳангларнинг турли товушларга бўлган муносабатини текширган. Макдональднинг аниқлашича, замонавий мусиқалар акулаларни тўс-тўполон кўтариб қочишга мажбур қилар, Бах ва Брамс мусиқалари эса аксинча, тинчлантириб, уларга роҳат бағишлар экан.

* * *

Дунёдаги энг катта китоб яқинда Францияннинг Тулуза шаҳрида нашр қилинди. Улкан китобнинг бўйи уч, эни тўрт метр, оғирлиги эса 8 тонна. Китоб уни чоп этган нашриётнинг 150 йиллиги нишонланаётган куни кўргазмага қўйилди. Ҳар бир босма табоғи 200 килограмм атрофида бўлган 30 босма табоқли бу китобда адабиёт, санъат, техника соҳасида шуҳрат қозонган шу ерлик машҳур кишиларнинг ҳикоялари ва таржимаи ҳоли жам бўлган.

* * *

Ботуми шаҳрида истиқомат қилувчи Нозико Чижавадзанинг шахсий кутубхонасида гугурт қутисидек келадиган митти китоб бор. Бу китоб А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» романи бўлиб, XX аср бошларида Санкт-Петербургда чоп этилган.

Р.БОЙТИЛЛАЕВ тайёрлади.

Замонавий қулайлик

Хоразм вилояти

Теледастурлар — янги каналда

Вилоят телерадиокомпаниясининг моддий-техник баъзаси яхшиланиб, телекўрсатувлар алоҳида — 47-канал орқали эфирга узатила бошланди.

Телерадиокомпания Германиянинг «BFE Siemens AG» фирмаси томонидан 1 миллион 470 минг еврога тенг бўлган замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Телетўлқинларни дециметрли диапазонда тарқатиш имконини берадиган янги телеузаткич ўрнатилгани ҳам диққатга сазовордир. Эндиликда учта камерали студия мажмуаси ёрдамида кўрсатувларни тўғридан тўғри эфирга узатиш мумкин.

А.САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

Янгийўллик тадбиркор Ўткир ака Маҳмудов бир неча йилдан буён ҳудудда ташкил этилаётган хайрия тадбирларга ҳомийлик қилиб, ҳамшаҳарларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Яқинда бу саховатпеша инсон ташаббуси билан туманда яна бир хайрли тадбир ўтказилди. Шаҳардаги 10,13,16,17-умумтаълим ҳамда 18-махсус мактабларнинг 4 мингдан ортиқ ўқувчилари учун пойабзал, кундалик кийим-кечак ва спорт либослари тақдим этилди. Шунингдек, ушбу тадбирда тўкин дастурхон ҳам ёзилди. Ўзгача файз билан ўтган ушбу тадбирга ҳудуддаги маҳаллаларда яшаётган ёлғиз, ногирон қариялар ҳам таклиф этилди, уларга ҳам байрамона дастурхон тузалиб, совғалар улашилди.

СУРАТДА: *тадбир ташкилотчилари вакили Тўлқин Муҳамедов болаларга совға улашмоқда.*

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ

Андижон вилояти

"ОСУДАЛИК — ЮТУҒИМИЗ АСОСИ"

Асака шаҳридаги Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини мамлакатимиз мустақилликка эришган йилда ташкил топган.

Ҳудудда қарор топган тинчлик, осудалик ва ўзаро ҳурмат-иззат маҳалла аҳли эришган ютуқларнинг асоси бўлиб келмоқда. Жумладан, маҳалладошларнинг уюшқоқлиги билан икки чақирим масофадаги йўлга асфальт ётқизилиб, равонлаштирилди. Ҳозирда бу ерда йўловчи ташувчи 30 га яқин "Дамас" автомашиналарининг қатнови йўлга қўйилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Маълумки, айни пайтда давлатимиз томонидан тадбиркор аёллар ташаббуслари қўллаб-қувватлаб келиняпти. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳам оиласига даромад келтираётган, ҳам элга нафи тегаётган ишбилармон аёлларимиз ҳар гўшада топилади. Хусусан, йиғин раисаси Манзурахон Жўраева ҳам ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйган.

— Маҳалламизда касаначилик фаолияти йилдан-йилга ривож топмоқда, — дейди Манзурахон Жўраева. — Кейинги уч-тўрт йил мобайнида вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик содир этилгани йўқ. Бунинг боиси, ҳудудда ҳунармандчиликка ихтисослашган устахоналар сони кўплиги, уларда ёшлар доимо иш билан машғул бўлаётганидир. Ҳунарманд-усталаримиздан бири Муҳаммаджон Абубакиров кўплаб шогирдлар етиштирган. Зардўз Саломхон Охунова ҳам шогирд тайёрлашда кўпчиликка ўрнак бўлади. Чеварларимиз Одина Деҳқонова, Сабохон Ёқубжоновалар ҳалол меҳнати ва ёшларга ғамхўрлиги учун маҳалладошлари ҳурматини қозонишган. Тадбиркорлардан Бахтиёржон Раҳмонов, Комилжон Мусаевлар ҳамиша эл хизматида.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Тошкент шаҳри

«ХОНАДОН БЕРК, ИЧКАРИДА ЭСА БЕМОР БОР!»

Яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Фарғона кўчасида жойлашган хонадонда яшовчи бемор аёл тиббий ёрдамга муҳтож эканлиги, аммо уйининг эшиги қулфланиб қолганлиги сабабли ичкарига киришнинг имкони бўлмаётгани ҳақида «050» қутқарув хизмати ходимларига шошилинч хабар келди.

Саноқли дақиқаларда қутқарувчилар воқеа жойида ҳозир бўлишди. Биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш мақсадида «Тез ёрдам» ходимлари ҳам мададга тайёр. Лекин хонадоннинг кириш эшигини ҳеч ким очолмаяпти. Темир эшик ортида эса юраги ҳаста, ўрнидан туришга мажоли йўқ бемор онахоннинг ёрдам сўраб инграган товуши эшитиляпти. Зудлик билан ишга киришган қутқарувчилар кўп қаватли бинонинг 7-қавати деразасидан махсус қутқарув асбоблари орқали 6-қаватга тушиб, эшикни очиб бергач, аёлнинг ҳаёти сақлаб қолинди...

Юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлаш, аҳолини турли офатлардан муҳофаза қилиш, давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Шу боис, шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тасарруфида пойтахт ҳудуди ва аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай ҳолатларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, келиб чиққан нохуш вазиятлар оқибатини бартараф этиш воситаларининг доимий шайлигини таъминлаш мақсадида «050» қутқарув хизмати фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда ушбу хизматнинг иш юритиш тартиби ривожланган мамлакатларда ташкил этилган шундай хизматлар даражасида олиб бориляпти.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида мазкур қутқарув хизмати ходимлари томонидан 91 маротаба ўрнидан тура олмайдиган ногирон ва қарияларга фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти асраб қолинди. 140 маротаба хонадонларда газ плиталари, электр асбоблари ёқилиб, эшиги берк қолган ҳолларда махсус асбоб-ускуналар ёрдамида эшиклар очиб берилиши натижасида ёнғин-портлаш хавфи ва инсонларнинг газ билан зарарланишининг олди олинди.

— Автоҳалокатлар асосан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ёки эътиборсизлик оқибатида юзага келади, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Авария-қутқарув отряди командири, капитан Эркин Қамбаров. — Хулосаларга кўра, ҳайдовчиларнинг кўпол равишда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, маст ҳолда транспорт воситаларини бошқариши, тезликни ошириши, чорраҳаларда йўл белгиларига ва светофор ишораларига риоя қилмаслиги, ёш ҳайдовчиларнинг автоуловлар тирбанд ҳаракатланаётганда бошқарувни тўғри баҳолай олмаслиги оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Ҳозирда қутқарувчилар ўтказилаётган машғулотлар давомида авария-қутқарув ва қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш тактикаси, махсус техник воситалардан фойдаланиш ҳамда бошқа турли фавқулодда вазиятларда хавфни бартараф этиш чора-тадбирларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганмоқда.

Хуснияхон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими.

Ҳар йилинда ҳар юмуш

Навоий вилояти

Мурувват кўнгилга малҳам

Навоий шаҳридаги Ҳаёт маҳалласи фуқаролар йиғинида ўзгалар қаровига, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш хайрли анъанага айланган.

Яқинда маҳалла мутасаддиларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари шаҳар ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлинмаси томонидан қўллаб-қувватланди. Бу ҳамкорлик самарасида Орзу Хўжаев, Омон Равшанов, Ғиёс Турдиев, Ҳамро Сапарова ва Шарофат Қосимова каби эҳтиёжманд кексаларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

— Қариган чоғингда ҳолингдан хабар олувчи ҳар киши кўзингга ҳизрдек кўринар экан, — дейди Орзу ота Хўжаев. — Биздек кишиларнинг кўнглини кўтаришдек хайрли ишга бош-қош бўлганларга, бу ишларга алоҳида эътибор қаратаётган Юртбошимизга, ҳукуматимизга минг раҳмат!

Ҳаёт маҳалласида тадбиркорлик, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо-тижорат соҳаси яхши ривожлангани, саховатпеша ҳомийлар кўплиги боис, ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож фуқароларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш имкониятлари етарли.

— Маҳалламизда ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқаролар, кам таъминланган оилалар сони 27 нафарни ташкил этади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Алиев. — Имкони топилди дегунча, уларга турли йўналишларда моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга интиламиз. Турли айёмлар ва байрамларда ҳам уларга ғамхўрлик кўрсатилади.

Абдумутал НОРБОЕВ

Қилмиш — қидирмиш...

Қинғирликнинг қийиғи чиқди!

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, бунинг самараси ўлароқ, халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, савдо-тижорат ишларида ҳалол фаолият юритиб, муваффақиятга эришаётган тадбиркор, ишбилармон ватандошларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида тадбиркорлик ривожланиши самарасида ҳудудларда аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб, қўшимча иш ўринлари яратиш, ободончилик, хайр-саховат тадбирлари борасида янгидан-янги имкониятлар туғилмоқда.

Ўз ишига виждонан ёндашган, ҳар қандай вазиятда мавжуд тартиб-қоидалар, қонун доирасида иш юритаётган тадбиркор-ишбилармонлар бу фаолият орқали ҳам моддий манфаат кўрмоқдалар, ҳам бозор иқтисодиёти шароитида юрт равнақига ҳисса қўшмоқдалар. Афсуски, савдо-тижорат борасида кўра-била туриб ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган, ўзини устомон билган сохта тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Маълум бўладики, бундай кимсаларнинг тадбиркорлик ниқоби остида ноқонуний йўл билан мўмай даромад орттиришдан бўлак мақсади йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси томонидан айнан тадбиркорлик борасида ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам бериш мақсадида тезкор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ана шундай тезкор тадбирлар натижасида аниқланишича, Боғот туманида фаолият юритган «Шарқ универсал қурилиш сервис» хусусий фирмаси раҳбари Камолиддин Рўзметов катта миқдорда даромадни расмийлаштирмаган ва бошқа қонунбузилишларга қўл урган. Яъни Қ.Рўзметов чакана савдога оид амалда бўлган қоидаларни қўпол равишда бузган. 2007 йил 2 март кунидан 2008 йил 10 март кунига қадар фирма томонидан харид қилинган жами 163.393.0 минг сўмлик алкоголли маҳсулотлар, 4.500.0 минг сўмлик хўжалик совуни аҳолига 5 фоиз савдо устамаси қўйиб сотилгани ҳолда, амалга оширилган чакана савдо фаолиятидан кўрилган 32.750.0 минг сўм миқдоридаги даромад фирмада мавжуд назорат касса аппаратида қайд этилмаган ва банкдаги ҳисоб рақамига кирим қилинмаган. Маълум бўлишича, бу маблағни қонунбузар шахсий эҳтиёжи учун харжлаб юборган.

Шовот туманидаги Чиғатой қишлоғида яшовчи фуқаро Шуҳрат Аннамуратов ҳам қонунбузар «тадбиркор»лар сирасига кириши текширувларда аён бўлди. У ўз яшаш манзилида яширин цех ташкил қилиб, қонунга хилоф равишда сохта алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Унинг инсонлар саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотни ноқонуний равишда сотилишидан катта моддий манфаатни кўзлагани аниқ. Ш.Аннамуратов 2008 йил 28 февраль куни фуқаро Ш.Корриевга «қўлбола» усулда тайёрланган 0,5 литр ҳажмли 150 шиша «Урганч ароғи» ёзувли қалбаки маҳсулотни пуллагач, унинг кирдикори фош бўлди. Бу ҳолат бошқарма ходимлари томонидан тегишли тарзда ҳужжатлаштирилди. Шунингдек, «қўлбола» маҳсулот ишлаб чиқарувчининг яшаш манзилидан 0,5 литр ҳажмли 200 тадан ортиқ шиша идиш, «Урганч ароғи», «Стабильность» ёзувли ҳар хил этикеткалар ёпиштирилган сохта ароқ маҳсулотлари ҳамда 100 мл ҳажмли 48 дона шиша идишда сақланаётган, қуввати 96 градусли, фақатгина тиббиётда қўлланилиши шарт бўлган этил спирти, шиша идиш қопқоқлари топилди ва далилий ашё сифатида рўйхатга олинди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Нафс васвасасига учраган бу кимсалар у ёки бу кўринишдаги қонунбузарликни содир этар эканлар, охир-оқибатда ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришларини ҳам унутадилар. Лекин қилмиш — қидирмиш, деганларидек, ҳеч бир қонунбузарлик тегишли жазосиз қолмайди.

Рустам СОБИРОВ,
СВОЖЖДЛКК департаменти Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи,
адлия катта маслаҳатчиси.

Маҳаллада нима гап?

Жиззах вилояти

Қалия нинг Гуллари

Вилоятнинг қишлоқ ва маҳаллаларида «Арқон тортиш», «Қирқ тош», «Эшак минди», «Чиллак ўйини», «Оқ суяк», «Ҳафтак тош», «Ёв қочди», «Жамбил-жамбил» сингари халқ ўйинларини билмайдиган инсонлар кам топилса керак. Негаки, кейинги пайтда маҳалла кайвонилари, фаоллари бошчилигида фуқаролар йиғинлари ҳудудида бундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш анъана тусига кирган. Айниқса, Жиззах шаҳридаги Қалия маҳалласи аҳли бу каби мусобақаларда доимо фаол иштирок этиб келади.

— Халқ ўйинлари маҳалладошларимизни янада жипслаштиряпти, кўнглига кўтаринки кайфият улашяпти. Қолаверса, мазкур ўйинлар орқали миллий қадриятларимиз қадр топмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Бегматов.

Маҳаллада ўтказилган бу галги тадбир ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Ўз ҳовлисида элликдан ортиқ турдаги анвойи гулларни парваришлаб ибрат кўрсатган Гулчеҳра Жумаева «Энг гулзор оила» танлови ғолибаси бўлди. Турсуной Ортиқова, Қамбарой Ғаффорова, Ҳикматой Норқўзиева ва Меҳри Умаровалар ҳам ўз хонадонида кўплаб гулларни парваришламоқда. Вилоят марказида ушбу гулларнинг бозори чаққон. Ҳатто гулчиларнинг хонадонларига келиб буюртма берадиганлар ҳам оз эмас.

Маҳаллада ҳунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик ҳамда кулолчилик борасида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Касаначилик фаолияти тобора авж оляпти. Маҳалла ҳудудида «Жиззах чинниси» хусусий корхонасининг фаолият юритаётгани бу йўналишдаги ишларнинг янада жонланишига туртки бўляпти. Натижада ўнлаб маҳалла ёшлари чинничилик сирларини ўзлаштириб олмоқда. Ҳудудда қирқ нафарга яқин хусусий тадбиркор фаолият юритаётгани натижасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида маҳаллада юқори кўрсаткичларга эришилди. Кичик ва мини корхоналар сонини кўпайтириб, шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 80 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Албатта, астойдил қилинган меҳнатнинг рағбати ҳам катта бўлади. Зотан, Қалия маҳалласи гулчилари қатори унинг ҳунарманду тадбиркорлари ҳам ўз касбларидан барака топиб, мўмай даромадга эга бўлаётгани боис, ҳам оилавий шароити тубдан яхшиланиб, ҳам хайрли ишларга ҳомийлик қилиш имконияти кенгайиб бормоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР — ЗАМОНА КЎРКИ

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш, бу борадаги анъаналарни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган аниқ тадбирлар самараси ўлароқ, ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳунармандчиликка меҳр қўйган, оилавий сулола давомчисига айланаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Яқинда "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида пойтахтдаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида ёш кулолларнинг республика кўргазмаси ташкил этилган эди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, Халаро "Олтин мерос" жамғармаси, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад йигит-қизларнинг миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатига бўлган қизиқишини ва интилишини рағбатлантириш, кулолчилик соҳасида изланаётган ёш ҳунармандларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишдан иборат эди. Ўзига хос кўрик-танлов шаклида ўтган ушбу кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб, изланаётган юзлаб нафар ёш кулоллар қатнашдилар.

СУРАТДА: *кўргазма иштирокчиларидан бири, хоразмлик ёш кулол Оғабек Раҳимов ўзи ясаган кулолчилик буюмларини намойиш этмоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Танлов давом этади

Истеъдод КЎРИГИ

Вилоятда эстрада санъатини ривожлантириш, ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Жиззах санъат коллежида ҳар йили шу мақсадда анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Истеъдод — 2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда «Маҳаллий бастакорлар асарларининг энг моҳир ижрочиси», «Ватан ҳақидаги энг яхши қўшиқ» ҳамда «Ёшликни мадҳ этувчи қўшиқ» номинациялари бўйича олтмиш нафар ёш ўз истеъдод ва иқтидорини синовдан ўтказди.

Кўрик-танловда миллий эстрада санъатини маромига етказиб, ижро этган ғаллороллик Мирзоҳид Саъдуллаев ва мирзачўллик Фотима Қиржигитовалар ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Танлов доирасида иштирокчи ёшлар вилоятнинг бир қатор қишлоқ ва маҳаллаларида Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб, концерт дастурлари уюштирди.

МУХБИРИМИЗ

Дил мавзи

ВАТАН КЎРКИ

Момолари бешигида дунё тебратар,
Боболари достон айтиб, ўгит ўргатар,
Фарзандлари аждодлари руҳин шод этар,
Ҳур Ватаним кўрки,
элга кайвон маҳаллам,
Қалдирғочлар қўшиқ айтган
айвон маҳаллам!

Ҳар гўшанинг ўз даласи, ўз меваси бор,
Ҳар қавмнинг ўз удуми, ўз шеваси бор,
Илдизи бир, нияти бир, ўз ғояси бор,
Бухоро, Нукус, Сурхонда
бордир маҳаллам,

Шаҳар, қишлоқ, овул —
кўркам қўрғон маҳаллам.

Фахр, ғурур, ризқ-насиба, шунда барака,
Қадр топар ҳашар, эҳсон, кунда маърака,
Саркардаси, посбони бор, йўқдур таҳлика,
Орлот, Барлос, Қипчоқ,
Баёт, Дўрмон маҳаллам,
Тўқсон икки уруғ, мулки Турон,
маҳаллам!

Б.ВОҲИДОВ,
«Маҳалла» жамғармаси
Олот тумани бўлинмаси раиси.

Топонимлар тарихини биласизми?

ТУРВАТЛИК ТАҚАЧИ

Юртимиздаги баъзи жой номлари ўзига хос ва антиқаки, бундай номланиш сабаблари кўпчиликни қизиқтириши аниқ.

Шу жумладан, Фарғона водийсидаги топонимлар тарихи ҳам ўзига хосдир. Масалан, Варзак қишлоғининг номини таҳлил қилайлик. Бу атама қўшма сўздан ташкил топган бўлиб, "вар" сўзи "бор", "мавжудлик" маъносини англатади. "Зак" форсий сўз бўлиб, "қукун" маъносида қўлланилади. Қишлоқ атрофидаги ҳудудларда уни "Варзай", "Варзах" деб ҳам юритишади. Варзак — "серсув", "зах жой" деган маъноларни билдиради.

Қува туманидаги Заркент қишлоғида Турват деган жой бор. Ривоятларга кўра, ушбу қишлоқ Амир Темур замонидан буён мавжуд. Қишлоқ кексаларининг нақл қилишича, шу атрофда яшайдиган тақачи чол Амир Темур сарбозлари миниб юрган отларнинг туёғига тақа қоқиб беради. Бундан хабардор бўлган саркарда чолга миннатдорчилик билдиради. Вақти келиб, қария қазо қилганда, Соҳибқирон чолни алоҳида ҳурмат билан дафн эттириб, унинг қабрини "Турват азиз бўлсин", дейди. "Турват" арабча сўз бўлиб, "тупроқ", "ер" ҳамда мажозий жиҳатдан "қабр" маъноларини англатади.

Ўзбекистон туманидаги Нурсуқ қишлоғини кўпчилик яхши билади. Арабчадан кирган "нур" сўзи "ёруғлик", "ойдинлик", "шон-шараф" маъноларида қўлланилади. "Суқ" ҳам арабча сўз бўлиб, "очқўз", "суқ одам" маъноларини билдиради. Қолаверса, мазкур сўзнинг "бозор", "ярмарка", "тўрт томони очиқ жой" маъноларини ҳам мавжуд. Шунга кўра, "нурсуқ"ни "ёруғ чорси", "нурли чорси", "тўрт томони очиқ нурли жой" маъноларини англатувчи атама дейиш тўғри бўлади.

Қўшкечик — Қува туманидаги қишлоқ. Айтишларича, қишлоқ илгари икки қисмдан иборат бўлиб, ўртасидан иккита сой кесиб ўтган. Сойларда кўприк бўлмаган. Андижондан Қўқон шаҳрига борадиган савдо йўли шу қишлоқдан ўтган. Савдогарлар кўприги йўқ сойларни кечиб ўтишга мажбур бўлишган. Шу боисдан бу жой "Қўшкечув" деган ном олган бўлса, ажабмас. Кейинчалик қишлоқ "Қўшкечик" тарзида аталиб кетади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Бугуннинг мулоҳазаси

«Жамият ва Мен — 2008» танловига

БИТИРУВ КЕЧАСИ...

бу тадбир қандай ўтказилгани маъқул?

...Ўтган йили маҳалламиздаги обрў-эътиборли, ҳамма ҳавас қиладиган оила фарзандининг муштлашиб, милицияга тушиб қолганини эшитиб, ҳайрон қолдим.

Маълум бўлишича, жанжал мактаб ўқувчиларининг битирув кечасидаги айтишувидан чиққан экан. Йигитча ўртоқлари томонидан узатилган қадаҳни рад этгач, синфдошларидан бири уни дўстларини ҳурмат қилмасликда айблаб, шахсиятига тегадиган гаплар айтибди...

Ўқув йили тугашига оз муддат қолган шу кунларда фарзанди битирувчи синфда ўқиётган ота-оналар ташвишга тушиб қолишди. Ахир битирув оқшомига кийиладиган бежирим кийим, тўкин дастурхон учун анча-мунча пул керак-да!

Шу мавзуда кетаётган гурунгда кўпни кўрган онахонлардан бири бу каби тадбирлар ёшлар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатишини айтиб, уларнинг ўтказилишига қатъий эътироз билдирди.

— Нега ундай дейсиз? — қош чимирди қўшни аёл. — Бундай кун ёшлар ҳаётида бир марта бўлади. Масалан, мен фарзандимнинг ўртоқларидан ажралиб, кўнгли ўксиб қолишини истамайман...

Тўққизинчи синф битирувчилари мактабни тамомлаб, коллеж ёки лицейда ўқишни давом эттиришади. Шунча йил бирга ўқиган синфдошларга ширин хотира бўлиб қолиши учун балки бирон тадбир уюштириш лозимдир. Аммо бундай тадбирлар кафе, ресторан ёки кимнингдир хонадонида эмас, балки мактабда ўтказилса, фойдадан холи бўлмасди. Унга ота-оналар ҳам таклиф этилиб, ўқувчилар ўзлари тайёрлаган дастурларни намойиш қилишса, устоз ва мураббийлар уларга оқ йўл тилаб, чиройли тилаклар билдиришса, қандай яхши. Тадбирда битирувчи ўқувчилар эркин мавзудаги саҳна кўриниши, рақс ёки исталган бошқа шартлар бўйича беллашишса ҳамда унга синф раҳбарлари ва ота-оналар ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда. Яхшиси, кеча дастурини тузишни ёшларнинг ўзига ҳавола этган маъқул. Шунда уларга истеъдод ва имкониятларини намойиш этишлари, изланишлари учун шароит яратиб берган бўламиз. Кеча ғолиблари ва мактабни аъло баҳолар билан тугатаётганларни тақдирлаш, устозларга эсдалик совғаларини топшириш ҳам кечага ўзгача файз киритиши аниқ.

Тўғри, айрим жойларда битирув кечаси мактабларда ўтказилади, бироқ унинг ташкилий-бадиий қисми ўта расмий ва зерикарли бўлгани боис, ёшларнинг диққат-эътибори даврадан четлашади.

Ўйлаб қаралса, битирув кечаси ўтказилишига хайрихоҳ ота-оналар ҳам, ўқитувчи ва ҳатто ўқувчиларнинг ўзлари ҳам бу тадбирнинг ёшларга қандай маънавий озуқа бериши ҳақида эмас, аксинча унга кийиб бориш учун қандай кийим сотиб олиш, ҳам арзон, ҳам яхши хизмат кўрсатадиган кафе ёки ресторанга буюртма бериш ҳақида кўпроқ бош қотиришади. Шундай пайтларда оқшомга дугонасидан кўра чиройлироқ кўйлак кийиб боришни хоҳловчи қизлар билан оналар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққани ҳақидаги гаплар ҳам қулоғимизга чалинган.

Ҳозирги кунда тўртинчи синфни тугатаётганларга ҳам битирув кечасини уюштириш одатий ҳолга айланиб қолди. Ахир ҳали яна беш йил битта синфда ўқийдиган болаларга бу каби ортиқча дабдабанинг нима кераги бор? Бу билан фарзандларимизда кераксиз одатларга, ҳашамга қизиқиш уйғотиб қўймаяпмизми?

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Биз билган ва билмаган дунё

8 минг ёшли АРЧА

Швециянинг шимолий вилояти — Даларна ҳудудида ёши қарийб 7,8 минг йил бўлган арча дарахти борлиги маълум бўлди.

— Арча Херьехоган тоғ тизмасида, денгиз сатҳидан 950 метр баландликда ўсмоқда ва унинг ёши деярли 8 минг йилга тенг, — дея хабар беради Даларна губерниясининг экологик муҳит назорати бўлими ходими Ларс Хедлунд РИА Новости ахборот агентлигига.

Хедлунднинг сўзларига кўра, бир нечта арчанинг илдизидан намуна олинган ва АҚШнинг Майами шаҳридаги махсус лабораторияга жўнатилган. Америкалик олимлар эса ўз навбатида арчаларнинг ёши 5,6 ва 8 минг йилга тенг эканлигини аниқлашган.

Мамлакатдаги йирик ўрмоншунослардан бири, Умео шаҳридаги университет профессори Лейф Куллманнинг таъкидлашича, мазкур арчалар ўтган асрнинг бошларидан сезиларли даражада ўса бошлаган ва уларни шубҳасиз, энг қадимги дарахтлар сирасига киритиш мумкин.

Сунъий чақмоқ

Cnews ахборот агентлигининг хабар беришича, Лион университетининг бир гуруҳ олимлари илк бор сунъий равишда чақмоқ учқунларини юзага келтиришга муваффақ бўлишди.

Мазкур синов Нью-Мексико штатининг South Baldy Peak ҳарбий синов майдонида, денгиз сатҳидан 4 км баландликда ўтказилиб, булутларга ўта кучли лазер импульслари орқали таъсир кўрсатиш натижасида амалга оширилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сунъий чақмоқни юзага келтириш ҳақидаги назарий қарашлар бундан 30 йил илгари тахмин қилинган эди. Бироқ уни синовдан ўтказиш учун зарур қувватга эга бўлган лазер нурларидан фойдаланиш имконияти эндигина пайдо бўлди. Мутахассислар келгусида бундай тадқиқотни яна бир бор ўтказишни ва унда янада кучлироқ лазер нурларидан фойдаланишни режалаштиришмоқда.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

Парвоз қанчалар юксак бўлса, қулаш шунчалик даҳшатлидир.
Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Ихтиёрни ўзда сақлаб қолмоқлик — дунёдаги энг улуғ неъмат.
МОНТЕН

Чала билим эгаси бўлишдан кўра, билимсизлик афзалроқдир.
Ибн СИНО

Ақл ожизлик қилган ерда кўпинча вақт ёрдам беради.
СЕНЕКА

Кўпчилик хатолардан қочишни эмас, улардан афсусланишни эзгулик деб ҳисоблайди.
ЛИХТЕНБЕРГ

Утерянный диплом В № 236144 выданный в 2006 г. Ташкентским Юридическим институтом на имя Рахмановой Турсиной Кодиржоновне считать недействительным.

ООО MUHAMMADJON — MELIORATOR М.Улугбекского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 57 500 000 сум до 500 000 сум.

Утерянный диплом НВ № 927479 выданный в 1987г. Ташкентским педагогическом Университетом на имя Рахмановой Турсуной Кодиржоновне считать недействительным.

Утерянный аттестат об окончании 11 классов O'R-B № 020084 от 1996-1997 учеб.года выданный средней школой № 259 Юнусабадского р-на г. Ташкента на имя Ли Марианы Геннадьевны считать недействительным.

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи жамоаси бўлим мудири, кимё фанлари номзоди, доцент Жумақул Аллаевга акаси

Хурсанқул АЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни пайтда турли хил ўй-хаёллар гирдобидан қочиб, ўзингизни қизиқарли машғулотлар билан чалғитишга урининг. Бу соғлиғингиз учун ҳам фойдалидир.

СИГИР(22.04-20.05)

Ушбу бурж вакиллари ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бундай пайтда уларга хос бўлган ташаббускорлик қобилияти жуда қўл келади.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Яқин кунларда бор куч-ғайратингизни мақсад ва режаларингизни амалга оширишга сарфлайсиз. Бундай пайтда мулоҳаза билан иш кўришингизга тўғри келади.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Фаолиятда ҳамкасблар билан бироз келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Вазиятни бартараф этиш учун феъ-лингиздаги айрим камчиликларни йўқотишга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Атрофдаги турли ғийбат ва ортиқча гап-сўзлардан узоқроқда юринг. Акс ҳолда нохуш воқеаларнинг сабабчиси бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Оиладаги муаммолар ўз ечимини топишини истасангиз, оқилона иш тутишга ҳаракат қилинг. Шу кунларда дўстларингиз сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни кунларда барча юмушларни четга суриб, мароқли ҳордиқ чиқаринг. Дам олиш кунлари кутилмаган меҳмонлар ташрифидан хурсанд бўласиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Юклатилган ҳар бир вазифани охирига етказиб бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳафта сўнгидаги ажойиб янгилик ҳаётингизда туб бурилиш ясайди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Яқинларингиз томонидан берилган имкониятдан унумли фойдаланиб қолинг. Моддий тарафдан шароитингизни тиклаб олишнинг қулай пайти келди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Анчадан буён қийнаётган сир-асрорларингиздан яқин инсонингизни воқиф қилинг. Бу айни пайтда сиз учун далда берадиган энг биринчи ёрдамдир.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу бурж вакилларининг хатти-ҳаракатлари атрофдагиларда шубҳа уйғотиши мумкин. Шанба сиз учун ҳар доимгидан ҳам сермазмун ўтиши кутилмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Фақат сизнинг фикрингиз билан ҳал бўладиган муаммоларни ортга сурманг. Жума куни энг азиз кишингиздан қимматбаҳо совға олишингиз мумкин.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Шаҳноза Абдувалиева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 30 апрель
18 (620)

17875 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-320 Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5